

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил август ойининг 2-куни жиноят ишлари бўйича Бойсун туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида видеоконференцалоқа режимида бўлиб, раислик қилувчи А.Рахматов, С.Хурсанованинг котибалигида, тарафлардан Бойсун туман прокурорининг ёрдамчилари М.Алтибаев, судланувчининг адвокати Х.Саъдуллаев, судланувчи фуқаровий даъвогар З.Абдуллаев ва И.Рузибоевларнинг иштирокида, Б.Бга оид 1-1904-2301/89-сонли жиноят ишини кўрди.

Б.Б, 1978 йил 10 октябрь кун Бойсун туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, “000000” МЧЖ ва “00000” оилавий корхона раҳбари, оилали, 6 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Бойсун тумани “0000” маҳалласида яшайди, қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 03.07.2023 йил олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари ва 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, мазкур жиноят иши юзасидан судланувчи, фуқаровий даъвогарлар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқларини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, уларни жиноят иши бўйича тўпланган далиллар билан солиштириб, қуйидагиларни-

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Б.Б, “00000” МЧЖ раҳбари сифатида АТБ “Агробанк” Бойсун филиали билан 23.02.2021 йилда кредит шартномаси тузиб, “00000” ОКга тегишли бўлган маъмурий биноларини гаровга қўйиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30.06.2020 йилдаги ПҚ-4767-сон “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан 3 ойлик имтиёзли давр билан 36 ой муддатга, йиллик 14 фоиз устама тўлаш шарти билан 1 млрд. 700 млн. сўм кредит маблағларини олишга эришиб, кредит эвазига қиймати 140 млн. сўмга тенг бўлган мини тракторни олиб келиб, ушбу тракторни терговда аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга сотиб юбориб, сотувдан тушган пулларни кредитни сўндиришга йўналтирмасдан, банкга топширмасдан ўз эҳтиёжлари учун сотиб юборган. Шунингдек қиймати 580 млн. сўмга тенг бўлган мевани қайта ишлаш ва қадоқлаш ускунасини олиб келмасдан кредит маблағларини мақсадсиз сарфлаб, олинган кредит маблағларини қайтариш чораларини кўрмасдан, ўзининг ихтиёрида бўлган ўзганинг жуда кўп миқдордаги 720 млн. сўм пулларини ўзлаштириш йўли билан талон-тарож қилган.

Бундан ташқари, Б.Б жиноий ҳаракатини такроран давом эттириб, тегров органи томонидан қисми ЖПКнинг 84-моддасига асосан тугатилган Бойсун туман «00000» МФЙ ҳоким ёрдамчиси билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг



20.12.2021 йилдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолини даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-55 қарори билан тасдиқланган Низом талабларига зид равишда, фуқароларнинг номига туман Давлат хизматлари маркизи томонидан берилган электрон калитларини улардан олиб, уларга кредит маблағларини чиқариб беришни ваъда қилиб, сохта кредит ҳужжатларни АТ “Халқ банки” Бойсун филиалига электрон тартибда тақдим қилишиб, фуқароларни номига кредит чиқгач мазкур кредитлар учун хизматлар кўрсатилганлиги, ишлар бажарилганлиги ва маҳсулотлар етказиб берилганлиги тўғрисида электрон ҳисоб-варақ ва далолатномаларга такроран сохта маълумотлар киритиб, ўзларининг ихтиёрида бўлган А.Т.Анваровнинг номига иссиқхоначилик фаолиятини ривожлантириш учун 16.09.2022 йилда чиққан 21 млн. сўм, Д.Э.Хусановнинг номига паррандачилик фаолиятини ривожлантириш учун 29.06.2022 йилда чиққан 30 млн. сўм, И.К.Кенжаевнинг номига иссиқхоначилик фаолиятини ривожлантириш учун 27.09.2022 йилда чиққан 33 млн. сўм, С.Ж.Ражабованинг номига иссиқхоначилик фаолиятини ривожлантириш учун 15.07.2022 йилда чиққан 30 млн. сўм ва О.А.Омонованинг номига иссиқхоначилик фаолиятини ривожлантириш учун 24.06.2022 йилда чиққан 33 млн. сўм кредит маблағларини “00000” оилавий корхонасига ўтказиб, ўзининг ихтиёрида бўлган ўзганинг жами 147 млн. сўм пулларини такроран ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Шунингдек, Б.Б. жиной ҳаракатини такроран давом эттириб, ўғли Б.Ш.Бобомуродовнинг номига 14.10.2022 йилда “000000” оилавий корхонасини ташкил қилиб, ушбу оилавий корхонани ўзи ишончнома орқали раҳбар сифатида бошқариб келиб, АТБ “Агробанк” Бойсун филиалидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.08.2021 йилдаги ПҚ-5214-сон “Маҳаллаларда тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперация усулини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан “Етакчи” тадбиркор сифатида Бойсун тумани “Мунчоқ” маҳалласида паррандачилик ва иссиқхоначилик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 6 ойлик имтиёзли давр билан 36 ой муддатга, йиллик 10 фоиз устама ҳақ тўлаш шарти билан 2 млрд. сўм кредит маблағи ажратилишига эришиб, “000000” оилавий корхонасига ўтказиб берилган кредит маблағи эвазига туманнинг “Мунчоқ” маҳалласида яшовчи кам таъминланган ва аёллар дафтарида турувчи 90 нафар фуқароларга кооперация асосида паррандачилик ва иссиқхоначилик фаолиятини ташкил қилиб бериши лозим бўлсада, кам таъминланган ва аёллар дафтарида турувчи 90 нафар фуқароларнинг бирортасининг яшаш хонадонига кооперация асосида паррандачилик ва иссиқхоначилик фаолиятини ташкил қилиб бермасдан такроран ўзининг ихтиёридан бўлган жуда кўп миқдордаги 2 млрд. сўмлик кредит пулларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Судда сўралган судланувчи Б.Б. айбига иқдорлик билдириб, ўзининг кўрсатувида, АТБ “Агробанк” Бойсун филиалидан 1 млрд. 700 млн. сўм кредит олганлигини, ушбу кредитга 1 та мини трактор сотиб олганлигини,



иссиқхона қурганлигини, шундан 400 млн сўм кредитни қайтарганлигини, ушбу кредит бўйича банкка “Андижон-Бойсун-Ҳамкор” оилавий корхонасини маъмурий биноси қўйганлигини, тракторни сотиб юборганлигини, кредит ҳисобидан олиб келиниши керак бўлган мевани қайта ишлаш ва қадоқлаш ускунаси олиб келганлигини, лекин носоз бўлганлиги сабабли қайтариб берганлигини, минни тракторни сотиб юборганлигини, фуқароларга ажратилган кредит бўйича ҳақиқатдан ҳам пул келиб тушганлигини, А.Анваровни номига чиққан 21 млн сўм кредит бўйича А.Анваровга пул ҳам маҳсулот ҳам бермаганлигини, Д.Хусановни номига паррандачиликни ривожлаштириш учун чиққан 30 млн. сўм, И.Кенжаевни номига чиққан 33 млн. сўм, С.Ражабовани номига чиққан 30 млн. сўм, О.Омоновани номига чиққан 33 млн. сўм кредит бўйича уларга маҳсулот етказиб бермаганлигини, кейинчалик тергов давомида ишларни бажариб, маҳсулотларни етказиб берганлигини, ушбу фуқаролар билан паранда етказиб бериш ҳамда иссиқхона қуриб бериш учун шартнома тузганлигини, ушбу фуқаролар маҳалладоши бўлишини, фуқаролар кредит масаласида биринчи келиб Бекназаров Ашуралига учрашганлигини, А.Бекназаров эса унга айтганлигини, “Андижон-Бойсун-Ҳамкор” оилавий корхонасига АТБ “Агробанк” Бойсун филиалидан 2 млрд кредит олганлигини, ушбу кредитга “Мунчоқ” маҳалласида яшовчи кам таъминланган ва аёллар дафтарида турувчи 90 нафар фуқароларга кооперация асосида паррандачилик ва иссиқхоначилик фаолиятини ташкил қилиб бериши керак бўлганлигини, лекин қилинмасдан қолганлигини, бироқ маҳсулотлар олиб келинганлигини, “Андижон-Бойсун-Ҳамкор” оилавий корхона ўғлини номида эканлигини, ҳужжатларга ўғлини ўрнидан ўзи имзо қўйганлигини, кредит маблағи чиқмасдан олдин бу корхонани бошқариш бўйича ўғлидан ишончнома олганлигини, кредитларни олиб еб кетиш нияти бўлмаганлигини, гаровга қўйган мулкни банк ўз ҳисобига олишни сўрашлигини, ҳозирда нақд пул тўлашга имконияти йўқлигини, қилмишидан пушаймонлигини, кекса ота-онаси борлигини баён қилиб, янги Конституция нормаларини қўллаб, енгиллик беришни сўради.

Судда сўралган фуқаровий даъвогар З.Абдуллаев ўзининг кўрсатувида, “Халқ банки” Бойсун филиали томонидан А.Анваровга 21 млн. сўм, И.Кенжаевга 33 млн. сўм, С.Ражабовага 30 млн. сўм, О.Омоновага 33 млн. сўм, Д.Хусановга 30 млн. сўм кредит маблағлари ажратилиб, таъминотчи Б.Бга ўтказиб берилганлигини, у фуқароларга маҳсулот етказиб бермаганлиги ва ишларни бажармаганлиги аниқланганлигини, ушбу ажратилган кредитлардан ҳозирда А.Анваровни кредити банкка қайтариб тўланганлигини, қолгани тўланмаганлигини, фуқароларга иш бажариб берган бўлса, банкнинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилди.

Судда сўралган фуқаровий даъвогар И.Рўзибоев ўзининг кўрсатувида, 2021 йилда “Даштиғоз торморқа хизмати” МЧЖга 1 млрд. 700 млн. сўм кредит ажратилган бўлиб, ушбу кредит қисман мақсадсиз деб топилганлигини, 2022 йилда “Андижон-Бойсун-Ҳамкор” оилавий корхонасига 2 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилганлигини, ушбу кредит маблағлари мақсадсиз



сарфланганлиги, Б.Б ажратилган кредитларни ўзининг шахсий эҳтиёжига ишлатиб юборганлиги аниқланганлигини, кредит маблағлари тўлаб берилса судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилди.

Судда сўралган гувоҳ А.Бекназаров ўзининг кўрсатувида, судланувчи акасининг ўғли бўлишини, ўзи маҳаллада ҳоким ёрдамчиси лавозимида ишлаб келаётганлигини, айбловда кўрсатилган А.Анваров, С.Ражабова, О.Омонова, Д.Хусанов, И.Кенжаевларни кредити бўйича тавсия берганлигини, Бекназаров Бахриддин уларга таъминотчи бўлганлигини, кредитга олинган маҳсулотлар Б.Бни уйига турган бўлганлигини, Б.Бни оила-аъзолари билан ушбу фуқароларга маҳсулотларни етказиб бериб иссиқхоналарини қуриб беришганлигини, А.Анваровни номига чиққан кредит банкка нақд шаклда тўланганлигини, фуқаролар электрон ключни унга олиб келиб беришганлигини, фуқароларни аризасини ўзи онлайн тартибда уларнинг ключидан фойдаланиб банкка юборганлигини, кредитлар онлайн тартибда олинганлигини, Б.Б А.Анваровга ажратилган кредитга иссиқхона қуриб бермаганлигини, қолган фуқароларга қисман ишларини бажариб берган бўлганлигини, Б.Б томонидан олинган қолган кредитларга алоқаси йўқлигини, ўзини хатоси сабабли фуқароларга ажратилган жами 147 млн. сўм кредит маблағлари талон-тарож бўлганлигини, ҳозирда ҳаммасини бартараф қилиб берганлигини, фуқароларнинг электрон калитидан фойдаланиб уларни номидан ҳужжатларни имзолаганлигини баён қилди.

Судда сўралган гувоҳ А.Анваров ўзининг кўрсатувида, иссиқхона қуриш учун кредит олиш масласида А.Бекназаровга учрашганида, у унга “Ягона дарчадан электрон калит олиб келиб беринг” деб айтганлигини, шундан сўнг А.Бекназаровга электрон калитни олиб келиб берганлигини, А.Бекназаров кредитни чиқариб бераман деб айтганлигини, шундан сўнг ўзини номига 21 млн. сўм кредит чиққанлигини икки ойдан сўнг билганлигини, унга ажратилган кредит бўйича Б.Б таъминотчи бўлганлигини, у билан тузилган шартномадан хабари бўлмаганлигини, Б.Б унга иссиқхона қуриб бериши керак бўлганлигини, банк ходимлари кредит фоизларини тўлашини айтиб боришганидан кейин кредит номига чиққанлигини билганлигини, келиб банкдан кредит графигини чиқариб олганлигини, Б.Б кредитни фоизларини тўлаб юрганлигини, Б.Б кредитини ўзи тўлаб ёпишни айтиб тўлмаганлигини, Б.Б қамоққа олинганидан кейин кредитини банкка тўлаб берилганлигини баён қилди.

Судда сўралган гувоҳ Д.Хусанов ўзининг кўрсатувида, туман Халқ банкидан паррандачиликни ривожлантириш бўйича 30 млн. сўм кредит олганлигини, Б.Б таъминотчи бўлганлигини, ҳозирда Б.Б унга паррандани ҳаммасини етказиб берганлигини, электрон калитни Ягона дарчадан олганлигини, уни А.Бекназаровга олиб келиб берганлигини, Бекназаров Бахриддин билан шартнома тузиб ҳужжатларга ўзи имзо қўйганлигини, кредити чиққанидан 2-3 ойдан сўнг парранда етказиб беришганлигини баён қилди.

Суд, судланувчининг айби, ўзининг айбига иқдорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, судда сўралган фуқаровий даъвогарлар ва гувоҳларнинг кўрсатуви, кредит ҳужжатлари, текшириш далолатномалари



ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Б.Бнинг жиноий ҳаракатлари ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари ва 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари ва 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчининг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини, етказилган зарарнинг бир қисмини қоплаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топди.

Суд, судланувчи Б.Бга нисбатан жазо тайинлашда, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан биргаликда, жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарарнинг миқдорини, олинган кредит таъминоти сифатида ҳозирда гаров мулки борлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига ҳамда ЖКнинг 33-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда, унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 3-қисми санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, ЖК 228-моддасининг 2-қисми санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиб, ўташ учун узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазони умумий тартибли колонияларда ўташни белгилашни, Б.Б тадбиркорлик субъекти бўлганлиги сабабли муайян ҳуқуқдан маҳрум қилмаслиқни, унга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни лозим топди.

Шу билан бирга суд, “Андижон-Бойсун-Ҳамкор” оилавий корхонасига ўтказиб берилган 2 млрд. кредитнинг бир қисми банкка тўланганлиги сабабли, унинг ундирилмай қолган 1.795.402.000 сўмини ҳамда “Даштиғоз томорқа хизмати” МЧЖ ажратилган кредитнинг ўзлаштириб кетган 720 млн. сўмини судланувчидан “Агробанк” АТБ Бойсун туман филиали ҳисобига ундиришни, А.Анваровга ажратилган 21 млн. сўм АТ “Халқ банки” Бойсун туман филиали ҳисоб рақамига тўланганлиги, Д.Хусановга ажратилган 30 млн. сўм, И.Кенжаевга ажратилган 33 млн. сўм, С.Ражабовага ажратилган 30 млн. сўм, О.Омоновага ажратилган 33 млн. сўм кредит маблағлари ушбу фуқароларга маҳсулот етказиб бериш ва ишларни бажариш йўли билан бартараф қилинганлигини инобатга олишни лозим топди.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, ҳукм қилади,-

Ҳ У К М

Судланувчи Б.Б Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан айбли деб топилсин.



Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан 6 (олти) йил 3 (уч) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Судланувчи Б.Бга нисбатан тайинланган жазоларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59,61-моддаларига асосан қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 6 (олти) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгилансин.

Судланувчи Б.Бга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 6 апрель кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Б.Бдан “Агробанк” АТБ Бойсун туман филиали ҳисоб рақамига 2.515.402.000 сўм моддий зарар ундирилсин.

А.Анваровга ажратилган 21 млн. сўм АТ “Халқ банки” Бойсун туман филиали ҳисоб рақамига тўланганлиги, Д.Хусановга ажратилган 30 млн. сўм, И.Кенжаевга ажратилган 33 млн. сўм, С.Ражабовага ажратилган 30 млн. сўм, О.Омоновага ажратилган 33 млн. сўм кредит маблағлари ушбу фуқароларга маҳсулот етказиб бериш ва ишларни бажариш йўли билан бартараф қилинганлиги инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка, судланувчи ва фуқаровий даъвогарлар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Бойсун туман суди орқали Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

имзо

А.Рахматов

Аслига тўғри:

